

# ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ, ИШТИХОН ТУМАНИДА СТОМАТОЛОГИЯ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЛОЙИХА КОНЦЕПЦИЯСИ

**Лойиҳа номи:**

Давлат-хусусий шериклик асосида Самарқанд вилояти, Иштихон туманида стоматология марказини ташкил қилиш

**Тармок:**

Соғлиқни сақлаш

**Лойиҳа тури:**

Молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш

**Хусусий шерикнинг иш хажми**

Молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш

**Давлат шериги:**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Лойиҳа жойлашган жойи:**

Самарқанд вилояти, Иштихон шаҳри, Навоий кўчаси, 69 уй

## 1 - Бўлим

Илтимос, дастлабки скрининг натижалари ҳақидаги батафсил маълумотни келтиринг ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Бугунги кунда бутун дунёда стоматология хизматига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳадаги изчил изланишлар орқали эришилаётган натижалар, замонавий стоматологик асбоб-ускуналар, янги технологиялар орқали аҳолига сифатли, тез ва аниқ ташхис қўйиш йўли билан тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Самарқанд вилояти Иштихон туманида жойлашган “Стоматология поликлиникаси” давлат унитар корхонаси ўрнида замонавий стоматология марказини ташкил этиш режалаштирилган.

“Стоматология поликлиникаси” давлат унитар корхонасида ҳозирги кунда тиш олиш, тиш қўйиш ва тишларни даволаш хизматлари мавжуд бўлиб, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида ташкил этилаётган стоматология марказида замон талабларига мос ҳолда, юқорида кўрсатиб ўтилган хизматлар билан бир қаторда қуйидаги янги турдаги хизматларни жорий қилиш кўзда тутилган:

- 1) янги (имплантация) усулида сунъий тишлар экиш операцияси;
- 2) замонавий рақамли рентген аппаратлари ёрдамида тиш касалликларига эрта ва самарали ташхис қўйиш;



- 3) замонавий тиш тўғрилаш аппаратлари ёрдамида ўсмир ёшдаги беморларнинг тишларини тўғрилаш;  
 4) замонавий усуллар ёрдамида оғиз бўшлиғида учрайдиган туғма нуқсонларни бартараф этиш.

Тумандаги аҳоли сонини ҳисобга олсак (200 000 дан зиёдрок) келажакда бу хизматларга бўлган талаб янада ортиб бораверади ва ташкил этиладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳаси натижасида хизмат турлари янада кенгайтирилиб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳа Соғлиқни сақлаш вазирлигида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан маъқулланган.

## 2 - Бўлим

Қўшимча маълумотлар	
1.	<p>1.1. Лойиҳанинг ДТИА/ТИА мавжудлиги: Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>1.2. Илтимос, лойиҳанинг қуйидаги параметрларини кўрсатинг (тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳисоб китобларни келтиринг).</p> <p>Соф дисконтланган даромад (NPV) : 592 904 745 сўм</p> <p>Капиталнинг ўртача ўлчанган қиймати (WACC): 12,2 %</p> <p>Ички даромадлилик ставкаси (IRR): 14,4 %</p>
2.	<p>2.1. Лойиҳа қуйидагилардан бирида киритилган бўлса:</p> <p>Инвестицион дастур Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Президент фармони ёки қарори/ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Бошқа Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p>
3.	<p>3.1. Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва тақдим этилган хизматлар учун ҳақ олишга руҳсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурат борми?</p> <p>Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p>
4.	<p>4.1. Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида тақдим этадиган яқуний хизматларини тасвирлаб беришингизни сўраймиз:</p> <p>Лойиҳада ДХШ асосида аҳолига сифатли стоматология хизматларини кўрсатиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 2,5 млрд. сўм инвестиция киритиш орқали тиббиёт соҳасига замонавий технологияларни жалб қилиб, бевосита стоматология хизмати сифатини оширишга хизмат қилади.</p> <p>Стоматология маркази ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйган:</p> <p>1) Халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий стоматология хизматларини кўрсатиш.</p>

	<p>2) Сифатли тиббий хизматларни амалга ошириш ва уларга макбул нархларни белгилаш.</p> <p>3) Янги тадқиқотлар ўтказиш, тақдим этилаётган тиббий хизмат турларини кенгайтириш.</p>				
5.	5.1. Сармоя харажатлари: 1,5 млрд. сўм	5.2. Эксплуатацион харажатлар миқдори: 1,0 млрд. сўм	5.3. Умумий харажатлар: 2,5 млрд. сўм		
	5.4. ДХШнинг амал қилиш муддати: 20 йил		5.5. Лойиҳанинг иқтисодий яшаш муддати: 15 йил		
6.	<p>6.1. Лойиҳанинг даромад манбаини келтиринг (белги қўйинг):</p> <p>Фойдаланганлик учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Эркин фойдаланилиши учун тўлов <input type="checkbox"/></p>				
	<p>6.2. Фойдаланганлик учун тўлов:</p> <p>Бир йилда ўртача 51 600 нафар беморга 1, 266 млрд.сўмлик стоматология хизматларини кўрсатиш.</p>				
7.	<p>7.1. ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини аниқланг:</p> <p>Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/></p> <p>Хусусий ташаббускор <input checked="" type="checkbox"/></p>				
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни кўрсатинг				
	<b>Хавф категорияси</b>	<b>Давлат шериги</b>	<b>Умумий</b>	<b>Хусусий шерик</b>	<b>Таклиф этилаётган ўзгаришлар</b>
	Лойиҳага тегишли хавф хатар			•	
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•	
	Яширин нуқсон хавфи			•	
	Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар	•			
	Молиявий хатар			•	
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)			•	
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган)			•	



	Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар			•	
	Операцион хатар			•	
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•	
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатар			•	
	Талаб билан боғлиқ хатар			•	
	Бошқа				
9.	Илтимос, хар бир боскич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:				
		Сана			Сана
9.1.	ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	01.11.2019	9.5.	Музокаралар ва ДХШ битимини имзолаш	Тендер якунидан сўнг
9.2.	Бошқа талабгорларга давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини веб-сайтларда эълон қилиш	45 кун	9.6.	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) тузиш	Тендер якунидан сўнг
9.3.	Дастлабки малакани аниқлаш (агар амал қилса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	x	9.7.	Молиявий яқунлаш	Тузилган битим кучга кирганидан сўнг
9.4.	Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)	2 ой муддатда			
10.	10.1. Лойиҳани амалга ошириш учун ер майдони керакми? Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>				
11.	11.1. Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқади: Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>				

	11.2. Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келади: Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>										
12.	12.1. Илтимос, давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча ишларни кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини қуриш Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Газ таъминоти объектларини қуриш Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Электр таъминоти қурилмаларига уланиш Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Кириш йўллари Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Транспорт боғланиши Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Бошқа Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>										
13.	13.1. Илтимос, манфаатдор томонларни санаб ўтинг: Давлат шериги Хусусий шерик										
14.	Давлат шеригининг алоқа учун масъул бўлган шахс ҳақида маълумот: <table border="1"> <tr> <td>Алоқа учун шахс</td> <td>Давлат шеригининг масъул ходими</td> </tr> <tr> <td>Ф.И.Ш.:</td> <td>Акбаров Ғайрат Акбар ўғли</td> </tr> <tr> <td>Лавозими:</td> <td>ДХШ ва ТТРБ бошқармаси етакчи мутахассиси</td> </tr> <tr> <td>Тел.:</td> <td>71 241 86 13</td> </tr> <tr> <td>Электрон почта:</td> <td><a href="mailto:gayrat.akbarov@minzdrav.uz">gayrat.akbarov@minzdrav.uz</a></td> </tr> </table>	Алоқа учун шахс	Давлат шеригининг масъул ходими	Ф.И.Ш.:	Акбаров Ғайрат Акбар ўғли	Лавозими:	ДХШ ва ТТРБ бошқармаси етакчи мутахассиси	Тел.:	71 241 86 13	Электрон почта:	<a href="mailto:gayrat.akbarov@minzdrav.uz">gayrat.akbarov@minzdrav.uz</a>
Алоқа учун шахс	Давлат шеригининг масъул ходими										
Ф.И.Ш.:	Акбаров Ғайрат Акбар ўғли										
Лавозими:	ДХШ ва ТТРБ бошқармаси етакчи мутахассиси										
Тел.:	71 241 86 13										
Электрон почта:	<a href="mailto:gayrat.akbarov@minzdrav.uz">gayrat.akbarov@minzdrav.uz</a>										
<p>Ушбу билан шунинг маълум қиламанки, мазкур ДХШ лойиҳа концепцияси шаклида келтирилган маълумотлар ва у билан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақиқий ва тўғри, шунингдек, лойиҳа давлат шеригининг ваколатли шахси томонидан зарур тарзда маъқулланган.</p> <p>Хусусий шерикнинг ваколатли шахси (Раҳбар)  (Ф.И.Ш., имзо, муҳр) </p> <p>Давлат шеригининг ваколатли шахси (Раҳбар)  (Ф.И.Ш., имзо, муҳр) </p>											

